

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

22-сон
(886)
2019 йил
3 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

403. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 майдаги ЎРҚ–543-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

404. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПФ–5728-сон Фармони

405. «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармони

406. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгар-

- тириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5611-сон Фармони ва 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4095-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги ПФ–5731-сон Фармони
407. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПФ–5732-сон Фармони
408. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПФ–5733-сон Фармони
409. «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ–4332-сон қарори [Кўчирма]
410. «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг Шахсларни давлатлараро кидириш тўғрисидаги шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ–4333-сон қарори
411. «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ–4335-сон қарори
412. «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон қарори
413. «Республика худудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги ПҚ–4341-сон қарори
414. «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ–4342-сон қарори
415. «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сон қарори [Кўчирма]

416. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4346-сон қарори
417. «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4349-сон қарори

Бешинчи бўлим

418. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 53, 2019-29-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-2*)
419. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 8 майдаги 196-мх-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3162*)
420. Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 2, 21-2019-қ/к, 66-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-6*)
421. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 майдаги 234-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 546-1*)
422. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 64, 12, 2019-34-сон «Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғри-

сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924-1*)

423. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163*)
424. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 майдаги 237-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-2*)
425. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 111-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-1*)
426. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 112-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 25 майдан 31 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

403 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 29 майда эълон қилинган.

1) **180-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **181-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **181¹-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) **202-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ов қилиш ва балиқ овлаш ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини тутиш қоидаларини бузиш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини тутишнинг ёхуд ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор, озуқавий ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини ёки шартларини, худди шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) қўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавfli рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ерда, сувда ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

ж) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси турларини нобуд қилган ҳолда содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараварига-ча миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорда, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси турларига нисбатан етказилган зарарнинг ўрни эса беш карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4,

5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156, 160, 161-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **63-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«63-модда. Файриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш

Файриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини тайёрлаш ёки қайта ишлаш ташкилотининг, савдо ёхуд умумий овқатланиш ташкилотининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиб олиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **79-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **80-модданинг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **81-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **83-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача» деган

сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 84-модда:

Биринчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 90-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90-модда. Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш

Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш, —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма

беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

8) қуйидаги мазмундаги **90¹-модда** билан тўлдирилсин:

«90¹-модда. Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш

Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш, —

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **92-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **94-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **111-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек ҳайвонларни қийнаш, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

12) **162-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **179⁵-модданинг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

14) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «90-моддасининг иккинчи қисмида, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар «90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90¹, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **287-модданинг:**

1-банди «90» рақамидан кейин «90¹» рақами билан тўлдирилсин;

5-банди «90» рақамидан кейин «90¹» рақами билан тўлдирилсин;

6-бандидаги «184², 184³, 198, 227, 227¹ — 227²⁷-моддаларида» деган сўзлар «90¹, 184², 184³, 198, 227, 227¹ — 227²⁷-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **291-модда биринчи қисмининг:**

«**а**» **кичик бандидаги** «125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «90¹-моддасида, 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**в**» **кичик бандидаги** «60, 70¹, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида» деган сўзлар «60, 70¹, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 90¹, 92, 94, 162-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**г**» **кичик бандидаги** «198, 227-моддаларида» деган сўзлар «90¹, 198, 227-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1, 2, 3-бандлари, 2-моддасининг 13-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 май,
ЎРҚ-543-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

404 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»-ги ПҚ–4118-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлашни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, «Томорқа хизмати» МЧЖнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ПФ–5728-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 23 майдаги
ПФ–5728-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ–4436-сон Фармониغا 1-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: «Ангрен» эркин иқтисодий зонасига кирувчи ҳудудлар ва унинг чегаралари, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017 — 2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва сояли дуккаклари экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2832-сон қарорида:

а) 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзпахтаёғ» АЖ» сўзлари «Ўзёгмойсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг рус тилидаги матнида:

1.1, 3.1, 3.2, 3.4, 4.1 ва 4.3-позицияларнинг «Ответственные исполнители» устундаги «АО «Узпахтаёғ» (Джураев)» сўзлари «Ассоциация «Узёгмойсаноат» (Пардаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.2-позициянинг «Ожидаемый результат» ва «Ответственные исполнители» устунларидаги «АО «Узпахтаёғ»» ва «АО «Узпахтаёғ» (Джураев)» сўзлари тегишинча «Ассоциация «Узёгмойсаноат»» ва «Ассоциация «Узёгмойсаноат» (Пардаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.3 — 1.5, 2.1, 4.4 ва 4.5-позицияларнинг «Источники финансирования» ва «Ответственные исполнители» устунларидаги «АО «Узпахтаёғ»» ва «АО «Узпахтаёғ» (Джураев)» сўзлари тегишинча «Ассоциация «Узёгмойсаноат»» ва «Ассоциация «Узёгмойсаноат» (Пардаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.2-позициянинг «Наименования мероприятий», «Источники финансирования» ва «Ответственные исполнители» устунларидаги «АО «Узпахтаёғ»» ва «АО «Узпахтаёғ» (Джураев)» сўзлари тегишинча «Ассоциация «Узёгмойсаноат»» ва «Ассоциация «Узёгмойсаноат» (Пардаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.5-позициянинг «Наименования мероприятий» ва «Ответственные исполнители» устунларидаги «АО «Узпахтаёғ»» ва «АО «Узпахтаёғ» (Джураев)» сўзлари тегишинча «Ассоциация «Узёгмойсаноат»» ва «Ассоциация «Узёгмойсаноат» (Пардаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2935-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнида:

10-позициянинг «Ответственные исполнители» устунидаги «АК «Узпахтаёғ»» сўзлари «Ассоциация «Ўзёғмойсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова IV бўлимининг 2-позицияси «Наименование организации» устунидаги «АО «Узпахтаёғ»» сўзлари «Ассоциация «Ўзёғмойсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3318-сон қарорида:

1-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Томорқа хизмати» МЧЖлар реестрини юритиш»;

2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Раёсати Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппарати тузилмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари тузилмасига белгиланган бошқарув ходимлари умумий сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3484-сон қарори 3-банди учинчи хатбошисидаги «Ўзпахтаёғ» АЖ корхоналарига» сўзлари «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарори 9-банди «б» кичик бандида:

қўйидаги мазмундаги учинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкига маблағларни «Томорқа хизмати» МЧЖларни кредитлаш учун ресурслар сифатида 2 йил муддатга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкасида йиллик 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш;

Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтларининг кредитлари ва қарзларига хизмат кўрсатиш;

халқаро молия институтларидан олинган грант маблағлари ҳисобига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига, шунингдек, «Томорқа хизмати» МЧЖларга грантлар ажратиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қишлоқ хўжалиги техникаси, технологиялари ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича лизинг фаолиятини амалга ошириш»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «Томорқа хизмати» МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа» сўзлари «қишлоқ хўжалиги соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш» сўзлари «ривожлантиришга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган инновацион ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияларни жалб қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3730-сон қарори 5-банди тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«полимер плёнкадан тайёрланган тутқичли (кесиксимон, ҳалқали) пакетларни (ТИФ ТН бўйича 3923 21 000 0, 3923 29 100 0, 3923 29 900 0 кодли) «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштириш, ушбу полимер плёнкаларни жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун товарлар ва шахсий буюмларини ташиш ва қадоқлашда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек, гуманитар ёрдам сифатида, реклама ва синов ўтказиш учун олиб келинадиган ҳоллар бундан мустасно».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3874-сон қарори рус тилидаги матнида:

2-илова IV бўлимнинг «Наименование проекта и источники финансирования» устунидаги «АО «Узпахтаёғ»» сўзлари «Ассоциация «Узёғмойсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илова IV бўлимнинг «Наименование проекта и источники финансирования» устунидаги «АО «Узпахтаёғ»» сўзлари «Ассоциация «Узёғмойсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4020-сон қарорида:

2-илованинг 5-бандидаги «Ўзпахтаёғ» АЖ» сўзлари «Ўзёғмойсаноат уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 10-бандидаги «Ўзпахтаёғ» АЖ» сўзлари «Ўзёғмойсаноат уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**405 Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар қўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция қўриқчиларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар қўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага** мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия)нинг янгиланган таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 майда эълон қилинган.

** 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоровий дастурини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоровий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги меха-

низмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тонфадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н.Т. Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш. Низомиддинов):

а) бир ҳафта муддатда ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар:

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш; қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва «ишонч телефонлари»дан улар фаолиятининг очиқлигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг қўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутсин ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
ПФ–5729-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

406 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5611-сон Фармони ва 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4095-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5611-сон Фармони ва 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4095-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 май,
ПФ–5731-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 28 майдаги
ПФ–5731-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ–2240-сон Фармони билан тасдиқланган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомнинг 3-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 майда эълон қилинган.

«— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ–5611-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқаролари кўчмас мулк сотиб олиш шarti билан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатлар рўйхатига киритилган мамлакатлар фуқароларига улар қуйидаги ҳудудларда кўчмас мулк сотиб олган тақдирда:

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида — 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида — 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда»;

тўртинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4861-сон Фармони 4-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчиларнинг хизматлари жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг ходимлари томонидан фақат улар олий ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълим тўғрисидаги диплом ёхуд гидлар (экскурсия етакчилари) йўналиши бўйича давлат намунасидаги қайта тайёрлаш тўғрисидаги гувоҳнома ёки Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификати олгандан кейин амалга оширилиши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5326-сон Фармонида:

қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹. Фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёки Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни назарда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг содалаштирилган тартиби жорий қилинадиган мамлакатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

қуйидаги мазмундаги 1-илова билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 3 февралдаги
ПФ–5326-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Фуқаролари учун туризм визаларини
расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий
қилинадиган мамлакатлар
РЎЙХАТИ**

1. Жазоир Халқ Демократик Республикаси
2. Антигуа ва Барбуда
3. Миср Араб Республикаси
4. Барбадос
5. Белиз
6. Венесуэла Боливар Республикаси
7. Уругвай Шарқий Республикаси
8. Габон Республикаси
9. Қатар Давлати
10. Қувайт Давлати
11. Гренада
12. Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси
13. Доминикана Республикаси
14. Иордания Ҳошимийлар Қироллиги
15. Эрон Ислоҳ Республикаси
16. Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республика-
сининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди
17. Корея Халқ Демократик Республикаси
18. Гайана Кооператив Республикаси
19. Баҳрайн Қироллиги
20. Бутан Қироллиги
21. Камбоджа Қироллиги
22. Марокаш Қироллиги
23. Саудия Арабистони Қироллиги
24. Тонга Қироллиги
25. Лаос Халқ Демократик Республикаси
26. Ливан Республикаси
27. Мальдив Республикаси
28. Мексика Қўшма Штатлари
29. Кўп миллатли Боливия Давлати
30. Самоа Мустақил Давлати
31. Бангладеш Халқ Республикаси
32. Албания Республикаси
33. Ангола Республикаси
34. Вануату Республикаси

35. Гана Республикаси
36. Гватемала Республикаси
37. Гондурас Республикаси
38. Ҳиндистон Республикаси
39. Кабо-Верде Республикаси
40. Камерун Республикаси
41. Кирибати Республикаси
42. Колумбия Республикаси
43. Коста-Рика Республикаси
44. Кот-д'Ивуар Республикаси
45. Куба Республикаси
46. Маврикий Республикаси
47. Шимолий Македония Республикаси
48. Маршалл Ороллари Республикаси
49. Науру Республикаси
50. Никарагуа Республикаси
51. Палау Республикаси
52. Панама Республикаси
53. Парагвай Республикаси
54. Перу Республикаси
55. Сейшель Ороллари Республикаси
56. Сенегал Республикаси
57. Суринам Республикаси
58. Тринидад ва Тобаго Республикаси
59. Фижи Республикаси
60. Филиппин Республикаси
61. Эквадор Республикаси
62. Эль-Сальвадор Республикаси
63. Сент-Винсент ва Гренадин
64. Сент-Люсия
65. Америка Қўшма Штатлари
66. Соломон Ороллари
67. Багама Ороллари Ҳамдўстлиги
68. Доминикана Ҳамдўстлиги
69. Вьетнам Социалистик Республикаси
70. Уммон Султонлиги
71. Тунис Республикаси
72. Непал Федератив Демократик Республикаси
73. Микронезия Федератив Штатлари
74. Сент-Китс ва Невис Федерацияси
75. Жанубий Африка Республикаси
76. Ямайка».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан

чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Меҳмонхоналарга унга тегишли бўлган ва унинг ичида жойлашган, турувчиларга алкоголь маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган бир неча турғун чакана савдо шохобчаси (бар, мини-бар, кафе, ресторан) учун битта рухсат гувоҳномаси берилди».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ–3836-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг электрон кириш визаси тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 4 ва 5-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Электронная виза иностранному гражданину выдается сроком пребывания на территории Республики Узбекистан до 30 дней со дня въезда. Разрешается однократный въезд с электронной визой в Республику Узбекистан. Порядок пребывания иностранного гражданина на территории Республики Узбекистан определяется действующим законодательством.

5. Выданная электронная виза действует в течение 90 дней с момента ее выдачи. В случае истечения срока электронной визы иностранный гражданин подает обращения на оформление электронной визы на общих основаниях».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

407 Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4075-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
ПФ–5732-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 30 майдаги
ПФ–5732-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4451-сон Фармонининг 1-бандидаги «Маҳалла посбони» раҳбарларига» сўзлари «профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2050-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари» сўзлари «профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таянч пунктлари ўз фаолиятини профилактика катта инспекторлари ва профилактика инспекторлари (кейинги ўринларда — профилактика инспекторлари) ҳамда профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари таркибида амалга оширади.»;

б) 12-бандда:

йигирма тўққизинчи хатбошидан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги ўттининчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«профилактика (катта) инспекторларининг ёрдамчиларини лавозимга

тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ҳақида туман (шаҳар) ички ишлар органларининг бошлиқларига тавсиялар беради»;

Ўттинчи — ўттиз тўртинчи хатбошилар тегишлича ўттиз биринчи — ўттиз бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори 6-бандининг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия кундузги таълим шаклига қабул фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари таркибидан амалга оширилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг сўзлари «профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

408 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5545-сон ва 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон фармонла-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

рига мувофиқ, шунингдек, давлат органлари томонидан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бевосита давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари А.А. Абдувахитов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
ПФ–5733-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 30 майдаги
ПФ–5733-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5583-сон Фармони 7-бандининг биринчи хатбошисидаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси,» сўзлари «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3151-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишини ташкиллаштириш «Истеъдод» жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ва-

тандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3152-сон қарорида:

10-банддаги «Президентининг «Истеъдод» жамғармаси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловининг 15-позицияси «Молиялаштириш манбалари» ва «Бажариш учун масъуллар» устунларидаги «Истеъдод» жамғармаси» сўзлари «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги «Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэронавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3275-сон қарори 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Халқ таълими вазирлигининг Фанлар академиясининг Астрономия институти (кейинги ўринларда — Астрономия институти)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ва Халқ таълими вазирлигининг Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3654-сон қарорида:

а) 1-иловининг рус тилидаги матнидан «Центр по подготовке специалистов за рубежом и диалога с соотечественниками» блоки чиқариб ташлансин;

б) 2-иловининг рус тилидаги матнидан «Центр по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками» блоки чиқариб ташлансин;

в) 3-иловининг рус тилидаги матнида:

5-банддан «Центра по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3702-сон қарорига 2-иловада:

13-позициянинг «Молиялаштириш манбалари» ва «Бажариш учун масъуллар» устунларидаги «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мута-

хассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позициянинг «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3703-сон қарорига 2-илованинг 9-позицияси «Молиялаштириш манбалари» ва «Бажариш учун масъуллар» устунларидаги «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3737-сон қарорига:

11-банддаги «Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 8-позицияси «Молиялаштириш манбаи» ва «Масъуллар» устунларидаги «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги ПҚ–3769-сон қарори 15-банддаги «Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3815-сон қарорига:

20-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ташқи ишлар вазирлиги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот марказининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг рус тилидаги матни 3-позицияси «Источники финансиро-

вания» устунидаги «Центра по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками Министерства иностранных дел» сўзлари «Фонда «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками при Кабинете Министров» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3837-сон қарорида:

а) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқиш»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) иловада:

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқади»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3880-сон қарорида:

4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Ташқи ишлар вазирлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг рус тилидаги матни 14-позицияси «Наименование мероприятия» устунидаги «Центра по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками Министерства иностранных дел» сўзлари «Фонда «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками при Кабинете Министров» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 30 майдаги
ПФ–5733-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5329-сон Фармониغا 1-илованинг 5-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–5399-сон Фармониغا илованинг 3-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5400-сон Фармони 3-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**409 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Республикаimizга инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш учун асос сифатида инвестициявий муҳитни яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш ва инвестиция фаолиятини самарали тартибга солиш борасида мамлакатда кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларнинг ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг хом ашё, инфратузилма ва меҳнат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларининг мавжуд эмаслиги хорижий капитални фаол жалб қилиш жараёнларига тўсқинлик қилмоқда.

Инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилиши ишлаб чиқариш фаолиятига бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни жалб қилишни тақозо этади.

Потенциал инвесторларга таклиф этиш учун харажатларни қоплай оладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз учун устувор бўлган иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш орқали республика инвестиция салоҳиятини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон Фармониға мувофиқ фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга қаратилган инвестиция лойиҳалари («йўл хариталари»)ни ишлаб чиқиш бўйича идоралараро комиссияларнинг ишчи органи функциялари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) зиммасига юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирликка қўшимча равишда 70 та бошқарув ходимлари штат бирлиги, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаларига 5 тадан штат бирликлари ажратилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 майда эълон қилинган.

2. Қўйидагилар:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларига — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи лавозими;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмаларига — ҳоким ўринбосари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосари — туман (шаҳар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи лавозими киритилсин.

3. Қўйидагилар:

вилоят ҳокимликлари тузилмаларидаги (Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташқари) — вилоят ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари тузилмаларидаги — вилоят ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тузилмасидаги — ҳокимнинг инвестициялар, инновациялар, саноатни, туризмни ривожлантириш ва хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидаги — ҳокимнинг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

Вазирлик тузилмасидаги — Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиғи ҳамда туманлар (шаҳарлар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлимлари бошлиғи лавозимлари тугатилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятларда, туманларда (шаҳарларда) кичик саноат зоналарини ҳамда Тошкент шаҳрида саноатни ривожлантириш борасидаги вазифалар ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли биринчи ўринбосари зиммасига юкланади;

вилоятларда (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан ташқари) ҳамда Тошкент шаҳрида ва туманларда (шаҳарларда) туризмни ривожлантириш борасидаги вазифалар ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тегишли ўринбосари зиммасига юкланади;

Вазирликнинг мазкур бандга мувофиқ бўшаётган штат бирликлари Вазирликнинг тегишли таркибий бўлинмаларида сақланиб қолинади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига мазкур қарорнинг 2 — 4-бандлари талабларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг янгиланган тузилмасини тасдиқлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Технологик ривожланиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги «Инвестициялар бўйича эксперт маркази» унитар корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

инновацион, етакчи технологиялар ва кластер ёндашувини қўллаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мамлакатнинг рақобатдаги устунлиги, саноат, инфратузилма, хом ашё ва инсон салоҳиятини сафарбар қилишга йўналтирилган янги инвестиция лойиҳаларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларга чиқиш ва жаҳон бозорларига рақобатбардош тайёр маҳсулотларни чиқариш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ва истиқболли корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестиция ҳажмларига бўлган эҳтиёжларини акс эттирувчи, потенциал инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган дастлабки ҳисоб-китоблар ва бошқа маълумотларга эга бўлган аниқ лойиҳаларни ифодаловчи Ўзбекистон Республикасининг интерактив инвестиция харитасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларига техник ҳамроҳлик қилиш, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ уларнинг техник-иқтисодий асосланишларини маҳаллий ва хорижий лойиҳа-тадқиқот ва инжиниринг ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш учун зарур бўлган лицензия дастурлари ва тизимларнинг маълумотлар базасини шакллантириш;

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигига потенциал инвесторларни жалб қилиш учун инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан дастлабки техник-иқтисодий асосланишлар билан бирга киритиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бюджетидан молиялаштириладиган қўшимча 33 та бошқарув ходимлари штат бирлиги ажратилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорга мувофиқ Вазирлик ва Марказга ажратиладиган қўшимча штат бирликлари 103 та бошқарув ходимлари штат бирлиги, шу жумладан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг 35 тадан, шунингдек, Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг 33 та штат бирлиги қисқартирилиши ҳисобидан амалга оширилади.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қўйидагиларни лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Марказ директорини — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Марказ директори ўринбосарларини — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан амалга оширилади;

б) Марказ директори моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

в) Марказ ходимларига нисбатан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади;

г) хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори ишга қабул қилишда таълимнинг минимал даражаси ва ишчиларга касби бўйича малакавий разрядларни белгилаш қисмида Марказ учун, хорижий давлатларда олий ўқув юртларини тугатган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан қўлланиши, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга бўлади;

д) Марказ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Технологик ривожланиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги «Инвестициялар бўйича эксперт маркази» унитар корхонасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

е) ушбу қарор кучга киргунга қадар устав фонди (капитали)ни шакллантиришга киритилган инвестициялар ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Инвестициялар бўйича эксперт маркази» унитар корхонасининг кредитор ва бошқа қарздорлигини қоплашга йўналтирилган маблағлар банк харажатлари ҳисобланади;

ж) Марказ иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда Вазирликка кўмаклашади.

9. Қўйидагилар Марказ фаолияти ва унинг таъминоти харажатларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳалқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг техник кўмаги маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йилда мазкур қарорни амалга ошириш борасида Марказ харажатлари, шу жумладан 3 та енгил автомобилни сотиб олиш ва таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб, ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Белгилансинки, Марказ ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш, Марказ ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, республиканинг хориждаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, Марказий банк ва тижорат банкларидан маълумотларни сўраб олиш;

давлат статистика органларидан зарур статистик маълумотларни беғараз асосда олиш;

ўз ваколати доирасида эксперт-тахлилий ишларни олиб бориш ва инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш учун тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш орқали халқаро экспертларни, давлат ташкилотлари ва уларнинг вакилларини, маҳаллий ва хорижий лойиҳа-тадқиқот ва инжиниринг компанияларини, шунингдек, алоҳида мутахассисларни жалб қилиш.

14. Марказ беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқлол кўчаси, 51-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, зарур ҳолларда, Марказ фаолияти натижаларини баҳолаш асосида унинг бошқарув ходимлари штат бирлигини ошириш масаласини кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли инвестиция таклифларининг рўйхатида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини, зарур ҳолларда, техник-иқтисодий асосланишлар билан бирга ишлаб чиқишни таъминласин;

Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида 2019-2020 йиллар учун дастлабки ҳисоб-китобларни назарда тутадиган Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурини тасдиқласин;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институти ва «ЎзЛИТИнефтегаз» АЖнинг «УорлиПарсонс Ўзбекистон инжиниринг» ҚК МЧЖдаги улушларини Марказга ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ПҚ-4332-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

410 Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг Шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисидаги шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг Шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисида 2010 йил 10 декабрь куни Москва шаҳрида имзоланган шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 майда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг Шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисидаги шартномасининг суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг жойлашган жойини аниқлаш қисми бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ваколатли орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома депозитарийсига уни амалга оширилиши учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари рўйхати ўзгарганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 майдаги «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–1532-сон қарори 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ПҚ–4333-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

411 Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган курилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 майда эълон қилинган.

ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) 2019 — 2025 йилларда маҳаллий хом ашё геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2019 — 2025 йилларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ, қўйидагиларни назарда тутган ҳолда:

геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини оҳактош бўйича — 13,1 млн тоннага, гипс тоши бўйича — 1,8 млн тоннага, лойсимон компонентлар, ғишт хом ашёси, кварц қуми бўйича — 1 млн тоннага, кўчган тоғ жинслари (базальт) бўйича — 0,1 млн тоннага, тош-шағал материаллар бўйича — 5,6 млн метр кубга;

ишлаб чиқариш ҳажмларини обойлар бўйича — 47 баробардан ортиқ ҳажмга, йиғилган паркет панеллари ва плиталари бўйича — 19 баробарга, ёғоч қириндили плиталар ҳамда ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталар бўйича — 15 баробарга, газбетон блоклари бўйича — 7 баробарга, лак-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи флоат-технология асосида ишлаб чиқарилган архитектура-қурилиш ойнаси бўйича — 4 баробарга, базальтдан тайёрланадиган композит арматура бўйича — 3 баробарга ва цемент бўйича — 2 баробарга ошириш;

б) халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг кредитларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган, 2019 — 2021 йилларда қурилиш материаллари саноати соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларнинг йиғма кўрсаткичлари ҳамда 2019 — 2021 йилларда қурилиш материаллари саноати соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) 3 ва 3.1-иловаларга* мувофиқ;

в) 2019-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар) 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Комплекс чора-тадбирларда кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Белгилансинки:

вазирлик ва идоралар раҳбарлари Комплекс чора-тадбирларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борадилар ва ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилади;

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси Комплекс чора-тадбирларда кўзда тутилган вазифаларнинг ижроси натижаси ва самарадорлиги тўғрисидаги батафсил маълумотларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолати бўйича ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш амалиётини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш давлат дастурини шакллантиришда янги конларни аниқлаш учун норуда фойдали қазилма бойликлари майдонларини геологик ўрганиш улушини 15 фоизга оширишни назарда тутсин;

б) бир ой муддатда норуда фойдали қазилма бойликлар мавжуд ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича лицензиялар бериш тартибини мурожаатчилар зарур малакали мутахассисларга эга бўлиши ҳақидаги мажбурий лицензия талабини жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

в) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган қўшма чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин:

минерал хом ашёни геологик ўрганиш, қазиб олиш ва қайта ишлашда ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни, саноат ва тажриба-саноат шаклда қазиш учун берилган конларда кончилик ишларини маркшейдерлик ва геологик таъминлаш;

фойдали қазилма бойликларининг селектив танловига, фойдали қазилма бойликлари жойлашган майдонларда асоссиз ва ўзбошимчалик билан қурилмалар қурилишига йўл қўймасликка алоҳида аҳамият қаратган ҳолда ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ лицензия талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни кучайтириш;

минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилма бойликларининг меъърдан ортиқ йўқотилишига йўл қўйилганлиги ҳолатларини аниқлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларни олдини олиш, шу жумладан аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш орқали.

4. 2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт қилинаётган маҳсулотини сертификатлаштириш бўйича харажатлари «Ўзстандарт» агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни ривожлантириш агентлиги томонидан қопланади;

б) тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортиш базаси беш йил давомида тенг улушларда норуда фойдали қазилма бойликлари конларини ўзлаштириш учун зарур бўладиган муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини қуриш харажатлари миқдорига, бироқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан белгиланган нормативларга мувофиқ ҳисобланадиган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорга камайтиради;

в) тегишли синовлардан ўтган ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати берилган қурилиш материаллари қурилиш ишларида қўлланилиши мумкин;

г) техноген минерал ҳосилаларнинг тури ёки кўриниши, уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда уларни сақлашнинг кон-техникавий шарт-шароитларини тавсифловчи маълумотлар тадбиркорлик субъектларига уларнинг сўровига асосан бепул тақдим этилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

кредит суммасидан қатъи назар қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз харажатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошган миқдорида, бироқ 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, шунингдек, хорижий валютадаги кредитлари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи миқдорида, бироқ 4 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда қопланади;

қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади.

5. 2021 йил 1 январига қадар олиб келинаётган хом ашё 5-иловадаги* рўйхатга мувофиқ божхона божларини тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва Уюшманинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун 2019 — 2021 йилларда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг 500 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини (кейинги ўринларда — кредит линиялари) жалб қилиш ва фойдаланиш;

б) кредит линиялари ҳисобига қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг қўйидаги механизмини жорий этиш:

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кредит линиялари маблағлари биринчи навбатда Рўйхатга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади;

лойиҳалар импорт орқали келтириладиган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг қиймати миқдорида, бироқ лойиҳа бўйича умумий капитал харажатларнинг 70 фоизидан ошмаган миқдорда молиялаштирилади;

Рўйхатга киритилган лойиҳаларни кредит линиялари маблағларидан молиялаштириш ҳажмларини кўзда тутилган лимитлардан ошириш ҳамда Рўйхатга киритилмаган лойиҳаларни молиялаштириш тижорат банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Ўзсаноат-қурилишбанк» АТБ ва Уюшма билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳани амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва муддатлари, шунингдек, лойиҳа ташаббускорлари ва масъул ижрочиларини кўзда тутган ҳолда ҳар бир лойиҳа кесимида кредит линиялари маблағларини жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг энергия тежамкорлик мезонларига мувофиқ келмайдиган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни 2021 йил 1 январга қадар кўмирдан ва табиий газга муқобил бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Уюшма билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутган ҳолда цемент ишлаб чиқарувчилар, гишт заводлари, сўндирилган оҳак ишлаб чиқарувчи цехларнинг энергия тежамкорлигини, шу жумладан кўмирдан ва табиий газга муқобил бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга ўтказиш орқали босқичма-босқич ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин;

2019 йил 1 сентябрга қадар энергия тежамкорлик мезонларига мувофиқ келувчи асбоб-ускуналар ва технологияларни таснифловчи коэффициентлар, меъёрлар ва мезонлар ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин;

ҳар йили 1 ноябрга қадар корхоналарни хатловдан ўтказишни ва табиий газ сарфининг шартли меъёрлари энергия тежамкорлик мезонларига мувофиқ келувчи корхоналар рўйхатининг тасдиқланишини таъминласин;

қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни кўмирдан ва табиий газга муқобил бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга ўтказишда атроф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштириш бўйича экологик талабларга амал қилинишини таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари учун мамлакатда қазиб олинadиган кўмирнинг прогноз ҳажмлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги йиллар ва ҳудудлар кесимидаги маълумотлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлансин.

9. Қуйидагилар:

2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 6-иловага* мувофиқ;

2019 йилда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг қурилиш меъёрлари ва қоидалари рўйхати 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги 6 ва 7-иловаларда назарда тутилган меъёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида қайта кўриб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 6 ва 7-иловаларда назарда тутилган меъёрий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ва қабул қилинишининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 8-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигининг асослантилган буюртманомаларига асосан Чора-тадбирлар дастурини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Уюшманинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) қуйидагилар учун масъул бўлган «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси раисининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари лавозимини киритиш:

қурилиш материаллари саноатини инновацион ривожлантириш, талаб юқори бўлган сифатли маҳсулот турларини кенгайтириш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга доир илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;

инновациялар учун буюртмалар портфелини шакллантириш ишларини ташкиллаштириш, ишлаб чиқилган технологияларнинг тажриба-саноат синовларини олиб бориш, янги турдаги қурилиш материалларининг синов партиясини ишлаб чиқариш ва уларни серияли ишлаб чиқаришга қўйиш бўйича тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

илмий-тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар натижаларини юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

* 6 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси қошида қўйидагилар учун масъул бўлган Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашини (кейинги ўринларда — Илмий-техникавий кенгаш) тузиш:

замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларининг тезкорлик билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишини таъминлаш;

юқори қўшилган қийматли янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик, инновацион ва стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни саралаб олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жорий қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар ва технологик жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш.

12. Белгилансинки:

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси раисининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари Уюшма таъсисчиларининг қарорига мувофиқ сайланади;

инновацион ривожланиш вазири лавозими бўйича Илмий-техникавий кенгашнинг раиси ҳисобланади;

Илмий-техникавий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири, қурилиш вазири, «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси раисининг қўшма қарори билан шакллантирилади;

Илмий-техникавий кенгашнинг қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш, инновацион ишланмаларни ҳамда янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини жорий қилишга доир таклифлари қурилиш тармоғини техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича меъерий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бир ой муддатда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Бухоро муҳандислик-технология институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институтида «Қурилиш материаллари, буюмлари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш технологиялари», «Йиғма темирбетон, бетон қурилмалар ва буюмларни ишлаб чиқариш», «Материалшунослик ва янги турдаги қурилиш мате-

риаллари технологияси (турлари бўйича)», «Деворбоп ва пардозбоп қурилиш материаллари технологияси» таълим йўналишларида кундузги ва сиртки ўқув шакллари бўйича кадрлар тайёрлашни ташкиллаштириш чораларини кўрсин;

Бухоро муҳандислик-технология институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институтига таълим йўналишлари бўйича 2019/2020 йилга қабул квоталари юзасидан тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки:

техника йўналишидаги олий таълим муассасалари 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда вазирлик, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар (иш берувчилар)нинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қурилиш материаллари саноати соҳасидаги таълим йўналишларида сиртки ўқув шакли бўйича тўлов-шартнома асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

қурилиш материаллари саноати соҳасидаги таълим йўналишларида сиртки ўқув шакли бўйича талабаларни ўқишга қабул қилиш қурилиш материаллари саноати соҳасидаги корхоналарда ишлаётганлар орасидан иш берувчиларнинг тавсияномасига ва ўтказилган суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади;

Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қурилиш материаллари саноати корхоналарини талабаларнинг амалий машғулотлари, ўқув-таништирув ва дипломолди амалиётларини ўтказиш учун жалб қилишга масъул ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда етакчи хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган илғор технологияларни қўллаш бўйича малака ва кўникмаларни ошириш марказларини ташкил этишга доир тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қурилиш материалларининг таннархини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини оптималлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан махсулотларнинг биржа савдоларига қўйилиши ва сотилишида шаффофликни таъминлаш ва нархлар бўйича кунлик мониторинг олиб бориш йўли билан қурилиш материаллари нархларининг асоссиз равишда оширилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

16. Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

қурилиш материалларининг кўрғазмали намуналари ва республикада мавжуд бўлган норуда хом ашёси ресурслари, илғор технологиялар, ускуналар ҳамда маҳаллий ва хорижий тармоқ илм-фанининг ютуқлари тўғрисидаги мунтазам янгиланиб турилувчи маълумотлар базасини ўз ичига олган доимий фаолият юритувчи кўрғазма ташкил этиш;

«Кварц» АЖнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойдасининг бир қисмини ва ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдасини капитализация қилиш ва маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги «Кварц» АЖда листланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флоат-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5374-сон фармойишига мувофиқ амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга мақсадли йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда Уюшмага Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68-А уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг давлат мулки сифатида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ПҚ-4335-сон

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**412 Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта
ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбир-
лари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4069-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт ва экспорт олди молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларини суғурталаш механизмларини самарали татбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) экспорт қилувчиларга:

тижорат банкларининг экспорт олди кредитлари, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга, миллий валютадаги кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи, бироқ 4 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда компенсация тақдим этади;

тижорат банкларининг кредитлари, шу жумладан экспорт олди кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 4 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилик беради.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5587-сон Фармони 1-илоvasида кўрсатилган хом ашё товарлари экспортига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг буюртманомалари асосида 2019-2020 йиллар давомида ушбу бандда кўрсатилган мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 50 миллиард сўмгача миқдорда маблағ ажратсин.

2. Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан бирга-ликда экспорт қилувчи корхоналарни, шу жумладан айланма маблағларни

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 майда эълон қилинган.

тўлдириш учун кредитлар бериш орқали молиялаштириш турларини кенгайтирсин.

3. Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га иловадаги* рўйхатга мувофиқ маҳсулотларни экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми жорий қилинсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораси қўшни давлатларга экспорт қилинадиган маҳсулотларга татбиқ этилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) маҳсулотни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу банд билан тасдиқланган рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссиянер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ҳисобот даври якуни бўйича тайёр маҳсулот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга уларнинг аризаларига кўра экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида қўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш имконияти берилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда экспорт қилувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш имкониятини бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Агентлик зиммасига ҳам республикамиздаги, ҳам хориждаги халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини жорий этиш, миллий маҳсулотни хорижий давлатлар ваколатли органларида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларида иштирок этиш, тақдимотлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, шу жумладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари суриш бўйича экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий қўмак бериш вазифаси юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Агентлик икки ой муддатда экспорт қилувчи ташкилотларга мазкур молиявий қўмакни бериш механизмини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда тадбиркорлик субъектларининг

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хорижий мамлакатларда зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ҳамда халқаро тендерлар ва танловларда иштирок этиш билан боғлиқ бошқа тўлов харажатларининг бир қисмини тўлашни назарда тутсин.

6. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан бошлаб тирик ҳолдаги товук, қуён ва балиқ ҳамда уларни сўйиб ишланган маҳсулотлар экспорти учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси рухсати талаб қилинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (кейинги ўринларда — «Ўзбекинвест» ЭИМСК) директорлар Кенгашининг:

«Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг устав капиталини компаниянинг ўз капитали ҳисобига 221,6 млрд сўмгача кўпайтириш;

«Ўзбекинвест» ЭИМСК тузилмасида экспортолди ва экспорт суғуртаси масалалари бўйича бош директорнинг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Белгилансинки:

«Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг экспортни суғурталаш орқали қўллаб-қувватлаш хизматлари комплекси харидор кредитини, қисқа муддатли дебитор қарздорликни, маҳсулот етказиб берувчи кредитини, тасдиқланган аккредитивни, экспорт қилувчининг айланма маблағларини тўлдириш кредитини, экспорт факторингини суғурталашни ҳамда экспортни суғурталаш орқали қўллаб-қувватлашнинг бошқа воситаларини ўз ичига олади;

молия йилида экспорт контрактлари ва кредитларини суғурталашнинг барча шартномалари бўйича (хом ашё бўлмаган маҳсулот экспорти қисмида) суғурта товон тўлашнинг умумий ҳажми «Ўзбекинвест» ЭИМСК ўз капиталининг 10 фоизидан ошиб кетган тақдирда, «Ўзбекинвест» ЭИМСК ўз капиталининг 10 фоизидан ошиб кетган миқдордаги йўқотишлари унинг устав жамғармасини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

икки ой муддатда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда «Ўзбекинвест» ЭИМСК фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида тегишли ҳукумат қарори лойиҳасининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда хабар берилганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, буюртманомаларни, шу жумладан 2019 йил 1 майдан буён амалга оширилган маҳсулот экспорти бўйича қабул қилиш ва кўриб чиқиш механизмининг назарда тутадиган, маҳсулот олиб бориладиган мамлакат ва субсидия тақдим этишнинг энг кўп муддатидан келиб чиқиб, Маҳсулотни экспорт қилишда ташини харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

2019 йил 1 августга қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Агентлик маблағлари ҳисобидан ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг интерактив шаклда тақдим этилишини, шунингдек, давлат тили, рус тили ва бошқа хорижий тилларда батафсил маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган, электрон савдо майдончалари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялашган Ташқи иқтисодий маълумотлар порталини яратиш ва ишга туширишни;

бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ташқи иқтисодий маълумотлар порталини юритиш ва масъул идоралар томонидан Порталга тегишли маълумотлар ўз вақтида киритилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланишини;

бир ой муддатда «Ўзагроэксспортбанк» АТБ негизида экспорт ва импортни молиялаштириш бўйича ихтисослашган банк ташкил этиш юзасидан таклиф киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда «Uzbekistan airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг экспорт юкларини ташиш тарифларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3978-сон қарорининг 6 ва 7-бандлари, 14-бандининг еттинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 май,
ПҚ–4337-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**413 Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда республикада тўқимачилик ва тикув-трикотаж мажмуаларини ташкил этиш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ҳажми ва турларини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари ўртида бозор муносабатларини шакллантириш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий кластер шаклларини жорий қилиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда, маҳаллаларда ва республикамизнинг олис ҳудудларида ишга муҳтож аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитлари ва даромадларини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус доирасида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини яратиш орқали қўшимча янги иш ўринларини ташкил этиш, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «Ўзпахтасаноат» АЖ деб юритилади) фаолиятини диверсификация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг:

республика ҳудудларида «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг тизимига кирувчи корхоналар иштирокида енгил конструкцияли қурилиш материалларидан қуриладиган ёки бўш турган бино ва иншоотлар негизида ташкил этиладиган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуаларни (кейинги ўринларда — мажмуа) яратиш;

мажмуалар фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг уларни «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо бўлган корхоналарга ёки тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бошқа тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга, 10 фоиздан ортиқ бўлмаган ставкада лизинг асосида ёки сотиб олиш шарти билан ижарага бериш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. 2019 — 2021 йилларда республика ҳудудларида енгил конструкцияли

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

қурилиш материалларидан қуриладиган ёки бўш турган бино ва иншоотлар негизида ташкил этиладиган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуаларда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг (кейинги ўринларда — лойиҳалар) асосий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2019 йилда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда ҳақ тўлаш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 5 590,5 миллион сўм субсидия ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. «Ўзпахтасаноат» АЖ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда бир ой муддатда илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инновацион технологияларга асосан, арзон ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда мажмуаларни ташкил этиш бўйича яқка тартибдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишида шахарсозлик нормалари ва қоидаларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан назоратни таъминласин.

5. «Ўзпахтасаноат» АЖ таркибига кирувчи тикув-трикотаж корхоналарига лойиҳаларни амалга ошириш доирасида истисно тариқасида:

лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини ҳамда импорт қилинадиган технологик асбоб-ускуналарни харид қилиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга;

ташкил этиладиган тикув-трикотаж мажмуаларини қисқа муддатларда ишга туширилишини таъминлаш мақсадида, лойиҳа ва пудратчи ташкилотларни тендер (конкурс) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш ва молиялаштиришни лойиҳалаш билан параллел равишда амалга оширишга рухсат берилсин.

6. Қуйидагилар лойиҳаларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сон «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва та-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

раққиёт жамғармасининг тижорат банкларига очган кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 366 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 5 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзли давр билан 6 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси, шу жумладан тижорат банкининг 2 фоиз миқдордаги маржаси билан тижорат банкларида кредит линиясини очиш орқали ажратиладиган 50 миллиард сўм;

«Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг тақсимланмаган соф фойдаси ҳамда ўз маблағлари.

7. Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда мажмуаларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш учун қисқа муддатли кредитларни тақдим қилиш амалиётини кенгайтирсин.

8. Белгилансинки, 2019 — 2021 йилларда лойиҳаларни амалга оширишда ва фаолияти давомида тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда копланеди:

тижорат банки томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдориди, лекин 5 фоизли пунктдан юқори бўлмаган ҳолда;

асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдориди.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 январгача «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг тизимидаги корхоналар иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

мавжуд тайёр тикув-трикотаж мажмуаларини лизинг асосида ёки сотиб олиш шарти билан ижарага бошқа тадбиркорлик субъектларига берилган кунга қадар фойда ва мол-мулк солиғидан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қурилиш материалларини белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб киришда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

Ишлаб чиқарилган хом ашё (пахта толасидан ташқари) ва ярим тайёр маҳсулотни тизим ичида сотиш солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Мажмуаларни лизинг асосида сотишда қўшилган қиймат солиғи уларнинг баланс қиймати ва сотиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан ҳисобланади.

10. Ушбу қарор асосида ташкил этиладиган мажмуаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ–5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги Фармони 9-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган божхона имтиёзлари татбиқ этилсин.

11. «Ўзпахтасаноат» АЖ таркибига кирувчи тикув-трикотаж корхоналарига, истисно тариқасида, биржа савдолари орқали пахта толасини, кейинчалик уни тўқимачилик корхоналарида ярим тайёр маҳсулотлар шаклида қайтариш асосида қайта ишлаш шарти билан, сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

12. 2019 — 2021 йилларда республика ҳудудларида енгил конструкцияли қурилиш материалларидан қуриладиган ёки бўш турган бино ва иншоотлар негизида ташкил этиладиган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуалардаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Ишчи гуруҳ (А.Ж. Раматов)нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

лойиҳаларни сифатли ва самарали амалга оширишга, уларни ижро этиш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга ва ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиш;

лойиҳалар амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, барча комплекс масалаларни ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалий чоралар кўриш.

13. «Ўзпахтасаноат» АЖ:

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳудудларда лойиҳаларни жойлаштиришнинг аниқ манзилли рўйхатини шакллантирсин ва Ишчи гуруҳга тасдиқлаш учун киритсин;

ташкил этиладиган тикув-трикотаж мажмуаларини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида олти ой муддатда Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган собиқ пахта тозалаш корхонаси ҳамда Наманган шаҳрида жойлашган минтақавий пахта терминали негизида пахта толасини қайта ишлаш ва кейинчалик ундан юқори сифатли матолар ишлаб чиқаришни ташкил этсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси мажмуаларни ташкил этиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд, биринчи навбатда, «Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун, истисно тариқасида, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат мулки объектларининг «ноль» қийматда берилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлаш, жумладан енгил саноатга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган ўқув курсларини ташкил этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

17. «Ўзпахтасаноат» АЖ манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 май,
ПҚ-4341-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**414 Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида***

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий, жисмонан етук, ватанпарвар, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқатли ёшларни вояга етказиш, уларни амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг фаол ва жонкуяр иштирокчисига айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг ушбу жараёндаги иштироки, шунингдек жисмонан ва руҳан соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик ва комилликка интилиш туйғуларини шакллантиришдаги фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришда уларнинг ижтимоий ҳолати, шахсий хислатлари, содир этган қилмишининг хавфлилиқ даражасини тўлиқ ва тўғри баҳолаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги бугунги ҳолат ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари асосида сифатли ташкил этиш, ўқитувчи, тарбиячи, психолог ва бошқа ходимларнинг тарбияланувчиларга таълим бериш, уларга касб-хунар ўргатиш борасидаги кўникма ва малакаларини оширишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернати ва Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатининг негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини (кейинги ўринларда — Республика ўқув-тарбия муассасалари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзоробод» маҳалласи манзилида;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри «Тадбиркор» маҳалласи манзилида жойлаштирилсин.

3. Қўйидагилар:

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига;

Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бириктирилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги тегишинча Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасининг ўз вақтида тўлиқ таъминоти ва маиший шарт-шароитлари яхшиланишига кўмаклашиш, ушбу муассасаларда маънавий-маърифий ишларнинг замонавий усул ва шаклларидан фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан тетик, билимли, ватанпарвар, фидойи, дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, тарбияланувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларида сифатли тарбия ва таълим жараёнини йўлга қўйиш, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга масъул ҳисобланади.

4. Белгилансинки:

а) Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганлар жойлаштирилади;

б) Республика ўқув-тарбия муассасаларига қўйидагилар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд рухий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади;

в) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган вояга етмаганлар фақат Республика ўқув-тарбия муассасаларига ўқишга қабул қилинади;

Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи ва Самарқанд шаҳри-

даги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернатига вояга етмаганларни қабул қилиш тўхтатилади;

Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи ва Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернатига тарбияланаётган вояга етмаганлар ўқишни ушбу муассасаларда белгиланган тартибда тугатадилар;

г) Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги гуруҳлар ва синфларда ўқувчилар билан тўлдирилиш 15 — 20 нафар этиб белгиланади, истисно тариқасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ушбу муассасаларда ўқувчилар сонидан қатъи назар синфлар очишга рухсат этилади;

д) ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларда яшаётган, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганлар уларнинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсиясига асосан тегишли вазирлик ва идоралар қарорлари (йўлланмалари) асосида ўқув йили давомида иловадаги* вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — Муассасалар) жойлаштирилади;

тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан Муассасаларга юборилаётган вояга етмаганлар учун Муассасаларнинг қабул квотасидан ташқари 5 фоизгача қўшимча квоталар ажратади;

Муассасаларга юборилаётган вояга етмаганлар таътил вақтида агар уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш имкони бўлмаса Муассасаларда ўқув жараёни бошлангунга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида тегишли халқ таълими органининг йўлланмаси бўйича вақтинча «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланадилар;

е) тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан юборилаётган вояга етмаганларни Муассасаларга истисно тариқасида бепул асосда, синовларсиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилади;

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан қабул қилинган ҳар бир вояга етмаган учун алоҳида мураббий бириктиради ва унинг таълим-тарбиясини доимий равишда назорат қилади, уларни Муассасаларни битиргандан кейин иш билан таъминлашда кўмаклашади;

ж) ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) кўпи билан қирқ беш кун муддатда вояга етмаганни Муассасага ёки Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга хулоса тақдим этади;

з) 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари, шу жумладан тарбиячилар ва тарбиячи ёрдамчиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун базавий тариф ставкасининг 75 фоизи миқдорига ҳар ойлик устама ҳақи тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

а) 2019 йилнинг 1 августига қадар:

Республика ўқув-тарбия муассасаларининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин, уларга жойлаштирилаётган болаларнинг эҳтиёжлари ва муаммолари туридан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги реабилитация дастурларини (хаётий кўникмаларга ўргатиш, гиёҳвандлик ва алкоголь воситаларга қарамликдан даволаш, руҳий жароҳат асоратлари билан ишлаш ва бошқа дастурлар) ишлаб чиқсин ҳамда тўғараклар фаолиятини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Республика ўқув-тарбия муассасалари штатлар жадвалларини тасдиқласин, бунда тугатилаётган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари штатлари ҳисобига янги ташкил этилаётган Республика ўқув-тарбия муассасаларида ҳар 20 нафар тарбияланувчига бир нафар психолог, шунингдек, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига бир нафар шифокор-гинеколог штат бирликларини ажратсин;

Республика ўқув-тарбия муассасаларини кенг дунёқараш ва юқори малакага эга ўқитувчилар, тарбиячилар ва психологлардан иборат таркибда шакллантирсин ҳамда заруратга қараб янги штатлар жорий этсин;

Республика ўқув-тарбия муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва бадий адабиётлар, даврий журналлар билан таъминласин ҳамда ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам равишда янгилаб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари оиласи билан алоқада бўлиши ҳамда улар билан учрашиши учун зарур алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган алоҳида хоналарни ажратсин, шунингдек, Республика ўқув-тарбия муассасаларининг «ZiyoNET» таълим тармоғига уланишини таъминласин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасаларининг ҳудудлари ва хоналари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан видеокузатув камералари билан жиҳозланишини, уларнинг техник созилиги ва узлуксиз ишлашини, шунингдек, видеоёзувлар махсус архивда камида бир йил давомида сақланишини таъминласин;

б) тарбияланувчилар дуч келадиган муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини топиш ва тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган «case-study», гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозаралар, ситуацион ўйинлар, ақлий ҳужум каби илғор интерактив ўқитиш усуллари ўқув-тарбия жараёнига кенг жорий этилишини таъминласин;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, уларни касбга йўналтириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида тарбияланувчилар Республика ўқув-тарбия муассасасида бўлган давр мобайнида касбга ўргатиш бўйича амалий меҳнат машғулотлари ўтказилишини таъминласин;

таниқли фан, маданият, санъат ва адабиёт, дин арбоблари, турли соҳаларнинг илғор мутахассислари иштирокида ҳар уч ойда камида бир марта тарбияланувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларни ҳалоллик ва одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга қаратилган учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этсин;

в) Республика ўқув-тарбия муассасалари раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш ўқув дастурларига алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож вояга етмаганлар билан ишлаш методикасига оид модулларни киритсин, шунингдек, ушбу муассасаларнинг фаолиятини методик таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2019 йил давомида:

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги тарбияланувчилар билан индивидуал равишда суҳбатлар ўтказиш асосида уларни тоифаларга ажратган ҳолда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш, шунингдек, Муассасаларга жойлаштириш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва уларнинг оиласидаги аҳволни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, тарбияланувчилар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтгандан сўнг уларни ўқишга жойлаштириш, ижтимоий мослашуви ҳамда оиласидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг салоҳиятини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

б) вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан вояга етмаганни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масаласи кўриб чиқилганда таълим муассасаси, маҳалла, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, профилактика инспектори, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг масъул ходимлари иштирокида вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар билан олиб борилган профилактика ишлари чуқур ўрганилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмитаси ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисларида ҳар йили бир маротаба тегишли Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнларини муҳокама қилиш, ушбу муассаса раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ҳисоботлар эшитилаётганда тарбияланувчилар билан олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари, уларнинг хулқ-атворини ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат, ушбу муассасалардаги ижтимоий-маънавий муҳит танқидий муҳокама қилинади.

8. Қўйидагиларга:

а) Ўзбекистон ёшлар иттифоқига:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги болалар учун ҳар ойда бир марта маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб, тарбияланувчиларнинг тарихий-меъморий мажмуалар, ҳайвонот боғлари, театрлар, музейлар ва бошқа маданий-кўнгилочар жойларга ташрифларини уюштириб бориш;

Республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари бириктириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

б) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига доимий равишда Республика ўқув-тарбия муассасаларини битираётган қизлар рўйхатини юритиб бориш, улар билан яқка тартибда ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш ҳамда уларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари битирувчиларини иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, касбга йўллаш, ўқитиш, қайта ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш ишларини олиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказга мунтазам равишда ҳамда Республика ўқув-тарбия муассасаларига келтирилган вояга етмаганларни қатъий тарзда ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтказиб бориш ҳамда бемор тарбияланувчиларни ўз тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бепул даволаш чораларини кўрсин.

9. Республика ўқув-тарбия муассасаларида ёшларни маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича бешта ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида икки ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Маданият вазирлиги билан биргаликда тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида мусиқа, рассомчилик, тасвирий санъат, кулолчи-

лик ва бошқа тўғаракларни ташкил этиш, шунингдек, амалдаги меъёрга мувофиқ мусиқа асбоблари билан таъминлаш;

б) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларининг спорт залларини 34 номдаги спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларида 1 тадан компьютер синф хоналарини замонавий компьютерлар билан таъминлаш, уларда ўқувчиларни фикрлашга йўналтирадиган компьютер ўйинлари базасини яратиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 136 номдаги ўқишга тавсия этилган бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

е) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда тарбияланувчи қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида зарур миқдорда тикув машинаси ва бошқа анжомлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши, назоратсиз ёхуд қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни чуқур таҳлил этиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий судига вояга етмаганни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масаласи судлар томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилиши, бунда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар етарли асослантирилганлиги, вояга етмаганнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, маҳалла, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш органлари ва Марказнинг фикр-мулоҳазалари эшитилиши, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг амалга оширган профилактика ишлари самарадорлигига баҳо берилишига эътибор қаратиш тавсия этилсин.

12. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга юборилган илтимосномаларнинг асослилигига жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Халқ таъли-

ми вазирлиги 2020 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида Республика ўқув-тарбия муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, зарур ускуналар, компьютер, ўқитишнинг техник воситалари, инвентарь билан таъминлаш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашни назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда Марказлар фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида уларнинг мавжуд ташкилий тузилмаси ҳамда иш жараёнини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ички ишлар органларининг мавжуд штатлари доирасида хизматчи ва ишчилар ҳисобидан ҳар бир Марказга бир нафардан офицерлар таркибидаги психолог ва ижтимоий ходим лавозимларини қиритиш чораларини кўрсин;

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва дастурга ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактик тадбирларни ташкил этишга оид модуллар киритсин.

15. Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри «Тадбиркор» маҳалласи манзилида жойлашган ўғил болалар махсус коллежининг бино ва иншоотлари, мулки ҳамда унга туташ ҳудуд билан бирга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2019 йилда «Таълим» соҳаси учун ажратилган маблағлар доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ҳар йили назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

18. Тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар икки ой муддатда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсиясига асосан ушбу муассасаларга вояга етмаганларни қабул қилиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли қарор қабул қилсин.

20. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 май,
ПҚ-4342-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

415 Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўтган давр мобайнида республикамизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали тизимини жорий этиш, Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлиги асосида амалга оширилаётган «Хавфсиз пойтахт» концепциясининг ижобий тажрибасини оммалаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этиб, ундаги криминоген вазиятнинг хусусиятига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

бир-биридан анча олисда ва тарқоқ ҳолда жойлашган еттита шаҳар ва ўн бешта туманни қамраб олган вилоят маъмурий-ҳудудий тузилишининг мураккаблиги;

бир вақтнинг ўзида ҳудудида чегара олди ҳудудлар, тоғли участкалар, туристик, қишлоқ хўжалиги ва йирик ишлаб чиқариш объектлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда вилоят географик жойлашувининг ўзига хослиги;

Тошкент шаҳрига барча кириш ва чиқиш йўлларининг вилоят ҳудуди-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

дан ўтиши, республиканинг бошқа ҳудудларидан, айниқса пойтахтдан келадиган аҳолининг оммавий дам олиш жойлари мавжудлиги.

Тошкент вилоятида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, шунингдек, ички ишлар органлари куч ва воситаларини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 июндан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи Тошкент вилояти ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқариш тизимини эксперимент тариқасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

куч ва воситаларни аҳолига бевосита яқин ҳудудларда янада самарали жойлаштириш мақсадида вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ички ишлар органларининг тузилмаларини янада мақбуллаштириш;

вилоят туман (шаҳар)ларини ички ишлар органлари куч ва воситаларининг тўртта минтақавий бошқариш ҳудудлари (кейинги ўринларда — минтақалар) бўйича 1-иловага* мувофиқ тақсимлаш;

ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмаларининг тезкорлигини ошириш ва максимал даражадаги ҳаракатчанлигини таъминлаш.

2. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) этиб қайта ташкил этилсин ва унинг бошлиғига қўйидагилар учун шахсий жавобгарлик юклансин:

вилоят ички ишлар органлари куч ва воситаларини минтақавий бошқариш механизмларини самарали ва тўлақонли равишда амалга ошириш, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича манзилли чораларни кўриш;

вилоят ички ишлар органларининг бошқа, шу жумладан пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

минтақалар даражасида амалий бошқарув қарорларини қабул қилиш, таҳлилий фаолиятни ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлигини тизимли баҳолашни сифатли ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

минтақалар ички ишлар органлари фаолиятини кундалик назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш Бош бошқарма бошлиғининг вакиллари (кейинги ўринларда — минтақавий ҳудудлар раҳбарлари) томонидан амалга оширилади;

минтақавий ҳудудлар раҳбарларининг фаолиятини таъминлаш учун штаб сифатида Бош бошқарманинг тегишлича минтақавий марказлардаги ички ишлар органларининг биноларида бевосита жойлашадиган минтақавий мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилади;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тошкент вилояти ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг саф бўлинмалари кундалик хизматни уларнинг ҳудудларида ўташ учун бевосита минтақалар бўйича тақсимланади;

Тошкент вилояти туман (шаҳар) ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари уларга юклатилган вазифаларни бажаришни ҳудудлараро тамойили бўйича ташкил этиш учун минтақавий ҳудудлар раҳбарларининг бўйсунувига ўтказилади;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳузурида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тажрибаси асосида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш вазифалари юклатилган ҳолда ички ишлар бўлимлари ташкил этилиши мумкин.

4. Минтақавий ҳудудлар раҳбарларига:

минтақа ҳудуди доирасида бириктирилган туман (шаҳар, соҳавий) ички ишлар органлари (кейинги ўринларда — бириктирилган бўлинмалар)га юклатилган вазифаларнинг кундалик бажарилиши бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

бириктирилган бўлинмаларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари нарядларининг кундалик жойлашувини белгилаш;

минтақа ҳудудидаги криминоген вазиятни инобатга олган ҳолда ва фавқулодда ҳолатлар вужудга келганда бириктирилган бўлинмаларнинг куч ва воситаларининг тақсимотини мувофиқлаштириш;

бириктирилган бўлинмалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича Бош бошқарма бошлиғига таклифлар кириштириш, минтақа ва соҳавий хизмати доирасида сафдорлар ва сержантлар таркиби ходимларини лавозимдан лавозимга тайинлаш;

бириктирилган бўлинмаларнинг ходимлари томонидан хизмат интизоми бузилиши ҳолатлари бўйича Бош бошқарма бошлиғининг топшириғи асосида хизмат текширувларини ўтказиш;

ўз ваколатлари доирасида бириктирилган бўлинмаларнинг ходимларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, минтақавий ҳудудлар раҳбарлари бириктирилган бўлинмаларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун уларнинг бевосита раҳбарияти билан баравар шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Бош бошқарма бошлиғи ва минтақавий ҳудудлар раҳбарлари томонидан жойларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги муаммолар, шунингдек ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақдим этиладиган таклифлар Тошкент вилояти ҳокими томонидан ҳар ойда кўриб чиқилади ва ўз ваколатлари ҳамда молиявий имкониятлари доирасида манзилли чора-тадбирларни белгилайди;

Бош бошқарма ҳар чоракда минтақаларнинг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолайди, натижаларига кўра, илғор минтақаларнинг бириктирилган бўлинмалари раҳбарларига пул мукофотини бериш ва аксинча, паст кўрсаткичларга эга бўлганларидан пул ушлаб қолиш чораларини кўради;

минтақавий мувофиқлаштириш марказлари криминоген вазиятнинг таҳлили асосида ҳар чоракда туман (шаҳар)лар кесимида бириктирилган бўлинмаларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича батафсил «йўл харита»ларини ишлаб чиқиб, уларнинг натижалари бўйича Бош бошқарма бошлиғига ҳар ўн кунда ахборот бериб борадилар;

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг сержантлар таркиби лавозимлари ушбу бўлинмаларнинг олий маълумотга эга бўлмаган амалдаги ходимларининг ўрнига 2021 йил 1 декабрдан босқичма-босқич тайинлашни назарда тутган ҳолда фақат олий маълумотга эга ёки сиртқи шаклда ўқиётган шахслар билан жамланади.

6. Бош бошқарма фаолиятига Тошкент шаҳар тажрибаси бўйича жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобил марказлари амалиёти татбиқ этилиб, минтақаларга бириктирилсин ҳамда уларга қўйидаги вазифалар юклансин:

оммавий тадбирларни ўтказишда куч ва воситаларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назоратни амалга оширишда бириктирилган бўлинмаларга кўмаклашиш;

одамлар гавжум бўладиган жойларда тезкор ва криминоген вазиятни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бевосита кузатиш ҳамда визуал баҳолашни амалга ошириш;

жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва ҳаракатини бошқариш мақсадида, шу жумладан бевосита воқеа жойига чиққан ҳолда мобил штаб функцияларини бажариш.

7. Тошкент вилояти ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг янги тизимини жорий этиш юзасидан экспериментни амалга ошириш бўйича идоралараро комиссия 2-иловага* мувофиқ тузилсин.

Идоралараро комиссия (П.Р. Бобожонов):

ҳар бир минтақа кесимида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ваколатли мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳларини шакллантирсин ва уларнинг экспериментни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича «йўл харита»ларини тасдиқласин;

ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг жорий этилаётган тизими самарадорлигининг тизимли мониторингини ташкил этсин ва 2019 йилнинг якуни бўйича шу каби амалиётни республиканинг бошқа вилоятларига ҳам татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифларни киритсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Бошқарувда катта амалий иш тажрибасига ҳамда соҳада обрў ва хурматга эга бўлган ички ишлар органларининг пенсионерлари орасидан жамоатчилик асосида жамланадиган Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг маслаҳатчилари лавозими киритилсин ва уларга тўланаётган пенсиясининг 50 фоизи миқдоридан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ойлик устама ҳақ белгилансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларига ҳудудий ички ишлар органларининг ўрнатилган кўрсатилган раҳбар ходимларини улар фаолиятини баҳолаш натижасига кўра, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилиши ҳисобидан ҳар чоракда пул таъминотининг 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилсин.

14. Тошкент вилояти ички ишлар органлари ходимларининг эгаллаб турган лавозими бўйича пул таъминоти ва ижтимоий имтиёзлари мазкур қарорга мувофиқ ташкилий-штатлар ўзгаришларига асосан улар лавозимга қайта тайинланиши ёки пенсияга чиқишига қадар сақлаб қолинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилоятининг шаҳарлари ва тегишли туманларида «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликларни фото- ва видео фиксация қилиш тизими ва ускуналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлари учун тарифларини келгусида республиканинг бошқа вилоятларига ҳам татбиқ этишни назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа саноати давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Бош бошқарма фаолиятида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг «102» автоматлаштирилган маълумотлар тизими жорий этилишини, шунингдек, Тошкент шаҳридаги ушбу тизимнинг такомиллаштирилиши ва реконструкция қилинишини таъминласин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Тошкент вилояти ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларини мақсадли дастурий таъминот ўрнатилган ва ички ишлар органлари электрон ахборот тизимларининг маълумотлар базаларига уланган уяли хизмат телефонлари билан босқичма-босқич таъминлаш;

бириктирилган бўлинмаларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш учун улар фаолиятининг хусусиятларини ҳамда минтақавий марказларда қайта

жойлашувини инobatга олган ҳолда жойлаштириш, таъминлаш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда профилактика инспекторига юкломани камайтириш ва ҳудудлараро ҳаракатланганда харажатларни қоплаш манбаларини белгилашни инobatга олган ҳолда, шахсларни процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисларидаги иштирокини таъминлаш учун мажбурий келтириш тартиби ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ўрнатилган тартибда киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасига давлат-хусусий шерикчилик механизмларини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

минтақавий мувофиқлаштириш марказлари учун Тошкент шаҳар тажрибаси бўйича жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказлари сифатида қайта жиҳозлашни назарда тутган ҳолда 4 дона автобус харид қилиш;

2022 йил 1 январга қадар минтақалар ҳудудларида тўлиқ мото- ва автотруллик қилишга ўтиш мақсадида Тошкент вилояти ички ишлар органлари патруль-пост хизматини босқичма-босқич скутер ва енгил транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент вилояти туман (шаҳар)-ларида жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида биргаликда патруллик хизматини ўташни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

18. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда йирик бозорлар ва савдо комплексларида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат кўрсатиш борасида шартномалар тузиш бўйича чораларни кўрсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда Бош бошқарма ва унинг бўлинмаларининг, шу жумладан мақсадга номувофиқ деб топилган бир қатор амалдаги ички ишлар бўлинмаларини қисқартириш ва мавжуд криминоген вазиятни инobatга олиб зарур жойларда янгиларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда янгиланган штат жадвалини тасдиқласин;

бир ой муддатда мазкур қарор талабларини инobatга олган ҳолда минтақаларнинг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактика-

си ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Тошкент вилояти ички ишлар органларининг минтақалараро, шу жумладан пойтахт ички ишлар органлари билан ҳамкорлигининг уйғунлашган механизмини назарда тутувчи тартибни белгиласин;

икки ой муддатда Тошкент вилояти ички ишлар органларининг патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари нарядларининг ягона жойлашувини минтақалар ташкил этилаётганлигини инобатга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсин;

уч ой муддатда Тошкент вилояти ички ишлар органлари йўл-патруль хизматининг автомобиль паркини кучайтириш, шу жумладан юртимизда ишлаб чиқариладиган мотоцикллар билан таъминлаш бўйича ташкилий чораларни кўрсин;

20. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асослантилган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 май,
ПҚ-4343-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 29 майдаги
ПҚ-4343-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарорининг 2-бандидаги, 3-банди иккинчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарорига:

а) 3-бандининг учинчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банди «а» кичик бандидаги, 5-бандининг учинчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 2-иловада:

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари бошлиқлари, минтақавий мувофиқлаштириш марказлари раҳбарлари, бригада ва батальон командирлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Уставнинг 23-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Уставнинг 27-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш»;

31-банднинг биринчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон қарорининг 5-банди биринчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бош-

қармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан иш-лашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғриси-да»ги ПҚ–3919-сон қарорининг 4-бандидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4075-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисидаги, 6 ва 7-бандларидаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4166-сон қарорининг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

416 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхати-га қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жи-ноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4006-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мала-касини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги ПҚ–3216-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республика-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 май-да эълон қилинган.

си Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
ПҚ-4346-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 30 майдаги
ПҚ-4346-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхатига
киритилаётган қўшимчалар**

1. «Олий маълумотли кадрларни ўқитиш» бўлими қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«	7 ¹ .	Жиной жазоларни ижро этиш фаолияти	юрист	кундузги	3 йил	».
---	------------------	------------------------------------	-------	----------	-------	----

2. «Касбий тайёргарлик факультетида кадрларни ўқитиш» бўлими қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«	15 ¹ .	Махсус операцияларни амалга ошириш фаолияти	мутахассис		6/5 ой**	».
---	-------------------	---	------------	--	----------	----

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**417** Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида*

Бутун мусулмон аҳли учун муқаддас айём — муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳроқибат, саховат ва шукроналик каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги улкан аҳамиятини инobatга олиб ҳамда миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 5 июнь — чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инobatга олиб, мамлакатимизда 2019 йил 5 июнь Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги «2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-5574-сонли Фармониға мувофиқ 1 июнь — шанба куни 6 июнь — пайшанба кунига кўчирилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ҳамда халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига муносиб тарзда, юқори даражада ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалға оширсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
ПҚ-4349-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 майда эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

418 Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-2*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 3 мартдаги 10, 2016-06-сон қарори (рўйхат рақами 2775, 2016 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 135-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 апрель,
53-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 майда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 апрель,
2019-29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги
53 ва 2019-29-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг
ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига
қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «ўн беш» деган сўзлар «7» рақами билан алмаштирилсин.
2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин;

«6. ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига (бундан буён матнда Давлат солиқ қўмитаси деб юритилади) ёзма тарзда бир нусхада ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборилади. Аризага мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган товарларнинг экспорт қилинганлиги ва валюта тушганлиги тўғрисида маълумот илова қилинади.

Қуйидаги ҳолларда қўшимча равишда:

товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинганда — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 213-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар;

йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича хизматлар реализация қилинганда — мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича ягона халқаро ташиш ҳужжатлари реестри;

халқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товар (хизмат)лар экспорт қилинганда — инвойс бир нусхада аризага илова қилинади.».

3. 7, 9, 11, 15 ва 18-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аризада кўрсатилган, банкдаги ҳисобвараққа қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг асослилигини тасдиқлаш учун солиқ тўловчи Давлат солиқ қўмитасига бир нусхада ушбу Низомнинг 4 ёки 5-иловаларига мувофиқ шаклда солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммаси бўйича ҳисоб-китобни (ҳисоб-китобни тўлдириш бўйича шартли мисол ушбу Низомнинг 4а ва 4б-иловаларида келтирилган) тақдим этади.»

5. 10-банддаги «ДСБ» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 13 ва 14-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Давлат солиқ қўмитаси ариза олинган кундан бошлаб 6 иш кунидан кечиктирмасдан мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги хулосани (бундан буён матнда хулоса деб юритилади) расмийлаштиради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари томонидан тасдиқланган хулосанинг асл нусхаси ёки электрон шакли Молия вазирлиги Фазначилигига (бундан буён матнда Фазначилик деб юритилади) Ягона ғазна ҳисобварағидан (бундан буён матнда ЯҒХ деб юритилади) солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига тўловни амалга ошириш учун юборилади.

Фазначилик хулосани олган кундан сўнг бир иш кунидан кечиктирмасдан ЯҒХдан солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ҚҚСнинг ортиқча суммаси тўловини амалга оширади.

14. Давлат солиқ қўмитаси томонидан хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши фельдъегерлик хизматлари бўлинмалари ёки Фазначилик ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.»

7. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлиги» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ДСБга» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «6 — 8-бандларида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилиб тақдим қилинганда» деган сўзлар «6 ва 8-бандларида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилиб тақдим қилинганда ёхуд тақдим этилган ҳисоб-китоблар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимидаги маълумотлар билан мувофиқ бўлмаганда, бундан мазкур тизимга маълумотларни киритмасдан товар (хизмат)ларни экспорт қилиш ҳоллари мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тегишли давлат солиқ хизмати органида ва (ёки) Молия вазирлигида» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 20-бандда:

биринчи хатбошидан «Тармоқ бошқармасини, шунингдек газначилик ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. 22-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг тўғри ҳисобланганлиги масаласи юзасидан солиқ назоратини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.»;
учинчи хатбошидан «Молия вазирлиги ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Хулосада кўрсатилган маблағлар ўз вақтида ўтказилиши, шунингдек ҳужжатлар тўпламининг ўз вақтида расмийлаштирилиши учун жавобгарлик Давлат солиқ қўмитасининг тегишли мансабдор шахслари зиммасига юкланади.».

12. 1, 2 ва 7-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

13. 3-иловадан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. 4-иловада:

«ДСБ» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Давлат солиқ хизмати органи» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариладиган ҚҚС ортиқча суммасининг ҳисоб-китобига иловадан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16. 4а-иловада:

«ДСБ» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Давлат солиқ хизмати органи» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 4б-иловада:

«ДСБ» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Давлат солиқ хизмати органи» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

18. 5-иловада:

«ДСБ» қисқартмаси «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Давлат солиқ хизмати органи» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 6-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

419 Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шакллари тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3162*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шакллари 1 — 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 майда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 май,
196-мҳ-сон

Келишилган:

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 8 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

420 Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ни-
зомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-6*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июн-
даги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Рес-
публикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғри-
сида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармони аналга ошириш чора-
тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия ва-
зирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил
22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон қарори (рўйхат рақами 2168, 2010 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 май-
да эълон қилинган.

22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
2-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
21-2019-қ/қ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
66-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги
2, 21-2019-қ/қ, 66-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 10-банднинг «б» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«нотариал идоралар ва нотариал архивлар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган (семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш) чора-тадбирларга;».

2. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ходимларнинг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар нотариал идораларда ёки идоравий нотариал архивларда уч ойдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган тақдирда ўрнатилади.».

3. 23-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ходимга бир йилда ҳақиқатда тўланадиган моддий ёрдамнинг чекланган миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаслиги лозим (ушбу банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

421 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 546-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 29 майдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Пенсияларни иш қидирувчи сифатида рўйхатга олиш, улар билан меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинганда моддий мадад бериш кафолатлари ва пенсия тўлашга доир тушунтиришни (рўйхат рақами 546, 1998 йил 23 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги 01/00-04/07-3705-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги билан тасдиқланган Пенсияларни иш қидирувчи сифатида рўйхатга олиш, улар билан меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинганда моддий мадад бериш кафолатла-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 майда эълон қилинган.

ри ва пенсия тўлашга доир тушунтириш (рўйхат рақами 546, 1998 йил 23 ноябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
234-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

422 Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида ишти-
рок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар кири-
тиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республи-
каси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбе-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 май-
да эълон қилинган.

кистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 31 июлдаги 116, 141, 2017-38-сон қарори (рўйхат рақами 2924, 2017 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 942-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
64-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Иқтисодиёт ва
саноат вазири**

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
12-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
2019-34-сон

Б. МУСАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат
вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2019 йил 27 майдаги 64, 12 ва
2019-34-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок
этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг учинчи хатбошисидан «ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Иловадан «М.Ў. (мухр мавжуд бўлганда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**423 Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш
давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия
ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 май,
19-2019-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг
2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат
жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (бундан буён матнда жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишсиз шахслар — ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ субсидиялар қўйидаги мақсадлар учун ажратилади:

иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркаслари (бундан буён матнда АБКМ деб юритилади) йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 4 барава-ри миқдорида тўловни амалга ошириш;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга — якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун харажатларни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлаш;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш;

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун — «Томорқа хизмати» МЧЖ, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 10 бараваригача бўлган миқдорда тўлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ грантлар қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

касб-хунар таълими муассасаларига — банд бўлмаган шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-хунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиklarининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш.

4. Субсидия ва грант Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Республика бўйича ҳудудлар кесимида алоҳида смета ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

5. Субсидия АБКМ томонидан, шунингдек грантлар Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бош бошқарма деб юритилади) томонидан смета ҳужжатларида белгиланган маблағлар доирасида берилади.

2-боб. Иш берувчиларга АБКМ йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш

6. АБКМ йўлланмаси асосида ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида субсидия олиш учун иш берувчи тегишли ҳудуддаги АБКМга ёзма равиш-

да мурожаат қилади. Бунда, мурожаатда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган ходимнинг Ф.И.О., касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жойи ва муддати, иш берувчи ташкилотнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб рақами кўрсатилиши, шунингдек мурожаатга ходимнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилиниши шарт.

7. АБКМнинг масъул ходими иш берувчи томонидан субсидия ажратишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни 5 иш куни ичида ўрганиб чиқади. Масъул ходим ҳужжатларни ўрганиб чиқишда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган ходим АБКМ йўлланмаси асосида ишга қабул қилинганлиги ва узлуксиз ушбу ташкилотда ишлаётганлиги, шунингдек мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилганлиги ҳамда ходимнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси тақдим қилинганлигига эътибор қаратиши лозим.

8. АБКМнинг масъул ходими томонидан иш берувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилган ва АБКМ томонидан ходим учун берилган йўлланма ҳақиқий деб топилганда, у ўрганиш натижаси бўйича иш берувчининг мурожаатида кўрсатилган ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши учун субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарига ёзма шаклда таклиф киритади.

Бунда, АБКМ раҳбари масъул ходимга иш берувчининг мурожаатида кўрсатилган ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши учун субсидия ажратиш тўғрисида розилик билдиради ва субсидия ажратиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади. Буйруқда субсидия суммаси ва уни ажратиш муддати кўрсатилиши зарур.

9. АБКМнинг масъул ходими томонидан иш берувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки унда барча зарур маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд АБКМ томонидан ходим учун берилган йўлланма ҳақиқий эмас деб топилганда, ўрганиш натижаси бўйича иш берувчининг мурожаатида кўрсатилган ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши учун субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида иш берувчи ташкилотга рад этишнинг сабаблари асослантирилган ҳолда кўрсатилган хат юборилади.

10. АБКМнинг масъул ходими иш берувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларни ўрганиш натижаси бўйича билдирилган таклиф ёки рад этиш асослантирилганлиги учун масъул ҳисобланади.

11. АБКМ раҳбарининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан иш берувчи ташкилотга унинг мурожаатида кўрсатилган ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик ҳақининг 4 баравари миқдорида субсидия ажратилади ва АБКМ томонидан иш берувчига тўлаб берилади.

12. Иш берувчи касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш якунланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ушбу ходимнинг касбга тайёрлашдан ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги, шунингдек унинг малакаси оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини тегишли АБКМга тақдим этиши шарт.

13. Иш берувчи томонидан ходимнинг касбга тайёрлашдан ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги, шунингдек унинг малакаси оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини 5 иш куни ичида тегишли АБКМга тақдим этилмаган ҳолларда АБКМ томонидан ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланган харажатларни қоплаш учун ажратилган ва иш берувчи ташкилотга тўлаб берилган субсидияни қайтариш чоралари кўрилади.

3-боб. АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун субсидия ажратиш

14. АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахслар тегишли ҳудуддаги АБКМга тадбиркорлик қилишни режалаштирилганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

15. АБКМнинг масъул ходими АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахснинг мурожаатини кўриб чиқади ва унга қуйидаги харажатларни жамғарма маблағлари ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлаб берилишини таклиф қилади:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш;

кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

тадбиркорликка ўқитиш;

кредит олишда суғурта полиси тўлови.

16. АБКМнинг масъул ходими томонидан тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсга мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган харажатларни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлаб беришнинг таклиф этилганлиги ва тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахснинг улар орасидан ўзига кераклисини танлаганлиги мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга субсидиялар таклиф этиш бўйича сўровнома билан расмийлаштирилади.

17. Сўровномада кўрсатилиши лозим бўлган барча маълумотлар тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс томонидан кўрсатилади, шунингдек унга таклиф этилаётган харажатларни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлаб бериш кўрсатилган катакчалар орасидан ўзига кераклисига белги қўяди ва сўровномани имзолайди.

18. АБКМнинг масъул ходими тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс томонидан тўлдирилган сўровномани қабул қилиб олади ва уни қабул қилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ушбу шахсга зарур бўлган харажатларни тўлаб бериш бўйича субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади.

Буйруқда субсидия ҳисобидан қопланадиган харажатлар турлари, ажратиладиган субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати кўрсатилиши лозим.

19. АБКМ раҳбари буйруғининг нусхаси унинг номига расмийлаштирилган тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсга унинг ихтиёрига асосан АБКМнинг масъул ходими томонидан тақдим этилиши шарт.

20. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёхуд микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 1 ой ичида тегишли ҳудуддаги Давлат хизматлари марказига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши;

тадбиркорликка ўқиш учун 2 ой ичида тадбиркорлик бўйича ўқитиш билан шуғулланадиган тегишли муассасасига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши;

кредит олишда суғурта полиси тўловини унга ажратилган субсидия ҳисобидан амалга ошириш учун тегишли суғурта шартномасини 2 ой ичида АБКМга тақдим этиши керак.

21. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёхуд микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилгандан кейин Давлат хизматлари маркази томонидан тегишли харажатларни тўлаб бериш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тегишли ҳудуддаги АБКМга электрон сўровнома юборади.

22. АБКМнинг масъул ходими Давлат хизматлари маркази томонидан юборилган сўровномадаги маълумотларни АБКМ раҳбарининг ушбу шахсга зарур бўлган харажатларни тўлаб бериш бўйича субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғи асосида ўрганиб чиқади ва сўровномада кўрсатилган маълумотлар тўғри деб топилганда сўровнома қабул қилинган вақтдан бошлаб 30 дақиқа ичида жамғарма маблағлари ҳисобидан зарур пул маблағларини электрон шаклда тегишли Давлат хизматлари марказининг ҳисобварағига ўтказилади.

23. Давлат хизматлари маркази зарур пул маблағлари АБКМ томонидан Давлат хизматлари марказининг ҳисобварағига тўланганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин тегишли тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс учун белгиланган хизматни кўрсатиш чораларини кўради.

24. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс тадбиркорликка ўқиши учун келишув асосида шахснинг ўзи ёки тегишли АБКМ ушбу тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсни тадбиркорликка ўқитиш учун тадбиркорлик бўйича ўқитиш билан шуғулланувчи муассасага мурожаат қилади.

25. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсни тадбиркорликка ўқитиш тегишли АБКМ ва тадбиркорлик бўйича ўқитиш билан шуғулланувчи муассаса ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Бунда тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсни тадбиркорликка ўқитиш учун харажатларнинг энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлов амалга оширади.

26. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс кредит олишда суғурта полиси тўловини унга ажратилган субсидия ҳисобидан амалга ошириш учун тегишли суғурта шартномасини АБКМга тақдим этгандан кейин АБКМ ушбу суғурта шартномаси асосида кредит олишда суғурта полиси тўлови учун харажатларни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида амалга оширади.

**4-боб. Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига
мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ
миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга
субсидия ажратиш**

27. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидагилар ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахслар ҳисобланади:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини таъмомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги (эркаклар учун 58 ёшдан 60 ёшга тўлишгача ва аёллар учун — 53 ёшдан 55 ёшга тўлишгача пенсияга чиқишдан олдинги ёш) шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар;

одам савдоси қурбонлари.

28. Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни ишга қабул қилганлиги ва субсидия тўлаб беришни сўраб тегишли ҳудуддаги АБКМга ёзма равишда мурожаат қилади.

29. Мурожаатда ушбу ташкилотга ишга қабул қилинган шахснинг Ф.И.О., ушбу шахс ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансублиги, ушбу шахс ташкилотда квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинганлиги ҳамда ташкилотнинг субсидия тўлаб берилиши лозим

бўлган ҳисоб рақами кўрсатилади, шунингдек ташкилотга квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган шахснинг ишга қабул қилинганлигини тўғрисидаги буйруқ илова қилинади.

30. АБКМнинг масъул ходими 3 иш кунни ичида ташкилотнинг мурожаатида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ўрганиб чиқади.

31. АБКМнинг масъул ходими томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда тақдим этилган маълумотлар тўғри деб топилганда, мурожаат этувчи ташкилотга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда ҳақ тўлаш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади ва бу ҳақда субсидия тўлаб беришни сўраб мурожаат этган ташкилотга хабар берилади.

32. АБКМнинг масъул ходими томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда тақдим этилган маълумотлар нотўғри деб топилганда, мурожаат этувчи ташкилотга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда ҳақ тўлашни рад этиш ҳақидаги асослантилган хат юборилади.

33. Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган шахснинг ушбу ташкилотда ишлаётганлигини тасдиқлаш мақсадида ходимга иш ҳақи ҳисобланганлиги ва даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни 12 ой давомида ҳар ойда тегишли АБКМга тақдим этиб бориши керак.

34. АБКМ ҳар ой учун кейинги ойда тегишли ҳудуддаги Давлат солиқ хизмати органидан тегишли ташкилотда энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган шахсга иш ҳақи ҳисобланганлиги тўғрисида маълумот олади.

35. АБКМ раҳбарининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилгандан кейин АБКМнинг масъул ходими мурожаат этувчи ташкилотнинг мурожаатида кўрсатилган субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб рақамига ушбу ташкилот учун ажратилган субсидияни тўлаб бериши керак.

Бунда, давлат солиқ хизмати органидан тегишли ташкилотда энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган шахсга иш ҳақи ҳисобланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда, ушбу маълумот берилган вақтдан бошлаб ташкилот учун ажратилган субсидияни тўлаб бериш тўхтатилади.

**5-боб. Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш,
уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид
қилиш учун субсидия ажратиш**

36. Банд бўлмаган томорқа ер эгаси енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш ва (ёки) уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги АБКМга мурожаат қилади.

37. АБКМнинг масъул ходими банд бўлмаган томорқа ер эгасининг

мурожаати келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида жойига чиққан ҳолда мурожаатчининг томорқа ерида енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, шунингдек уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиниши учун томорқа ерининг майдони ва шароитини ўрганади ҳамда ўрганиш натижаси бўйича далолатнома тузади.

Далолатномада ўрганиш давомида аниқланган барча маълумотлар кўрсатилиши керак.

Шу билан бирга, АБКМ масъул ходими томонидан мурожаат қилган шахснинг бандлик ҳолати ўрганилади.

38. Ўрганиш натижасига кўра мурожаат қилган шахс банд бўлмаган ҳолларда унга унинг томорқа ерига мос келадиган енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш ва (ёки) уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиниши бўйича АБКМнинг масъул ходими «Томорқа хизмати» МЧЖ, АБКМ ва томорқа ер эгаси ўртасида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради.

39. Ўрганиш натижасига кўра мурожаат қилган шахс банд бўлганда ёки унинг томорқа ер майдони мавжуд бўлмаганда мурожаат қилган шахсга асослантирилган жавоб хати юборилади.

40. «Томорқа хизмати» МЧЖ, АБКМ ва томорқа ер эгаси ўртасида уч томонлама шартнома тузилганда АБКМ томонидан ушбу уч томонлама тузилган шартнома асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 10 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғини расмийлаштиради ва тегишли тўловни амалга оширади.

6-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш

41. АБКМ тегишли ҳудуддаги меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда:

ушбу ҳудуддаги банд бўлмаган шахслар, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар ва кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизлар орасидан касбга қайта ўқиш истаги бўлганлар;

агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг раҳбарлари ва ишчилари, томорқа ер эгалари рўйхатини шакллантиради.

Бунда АБКМ томонидан тегишли ҳудуддаги касбга қайта ўқиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлганларни аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида эълон берилиши мумкин.

42. АБКМ томонидан тегишли ҳудудий бош бошқармага грант ажратишни сўраб талабнома юборилади.

43. Талабномада АБКМ томонидан шакллантирилган рўйхат асосида ҳудуддаги банд бўлмаган шахслар, шунингдек меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар ва кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларнинг, шунингдек агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, пар-

рандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг раҳбарлари ва ишчилари, томорқа ер эгаларининг сони, касбга қайта ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишлари ва муддатлари ҳамда тегишли ҳудуд кўрсатилиши лозим.

44. Ҳудудий бош бошқарма АБКМ томонидан юборилган талабномани 3 иш куни ичида кўриб чиқади.

45. Ҳудудий бош бошқармада АБКМ томонидан юборилган талабнома бўйича эътирозлар мавжуд бўлмаганда, талабномада кўрсатилган шахсларни касбга қайта ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш учун касб-хунар таълими муассасалари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртлари танловини «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширади.

46. Ҳудудий бош бошқарма ва тегишли касб-хунар таълими муассасаси, касб-хунарга ўқитиш маркази, коллеж ёки олий ўқув юрти ўртасида тузилган шартномага асосан тегишли ҳудудий бош бошқарма банд бўлмаган шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга, шунингдек агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиklarининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштиради.

7-боб. Яқуний қоидалар

47. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

48. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Иқтисодиёт ва
саноат вазири*

2019 йил 10 май

Б. ХОДЖАЕВ

Молия вазири

2019 йил 10 май

Д. КУЧКАРОВ

*Касб-ҳунар таълими
маркази директори*

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

2019 йил 10 май

Марказий банк раиси

М.НУРМУРАТОВ

2019 йил 10 май

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. МУСАЕВ

2019 йил 10 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 10 май

*Фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари
кенгаши раиси в. б.*

А.ХАИТОВ

2019 йил 10 май

Ўзбекистон Республикаси
Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси
маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга
субсидиялар таклиф этиш бўйича
С Ў Р О В Н О М А**

1. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс ҳақидаги маълумотлар:

а) _____
(Ф.И.О.)

б) _____

(манзили)

в) _____
(СТИР)

г) _____
(электрон почта манзили ва телефон рақами)

2. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваригача миқдорида тўлаб бериладиган харажатлар:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш

кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

тадбиркорликка ўқитиш

кредит олишда суғурта полиси тўлови

(сана)

(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

424 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда нотариал ҳаракатлар учун тўловлар ундириш тартибинини янада такомиллаштириш мақсадида **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Ўзбекистон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июнда эълон қилинган.

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент ш.,
2019 йил 31 май,
237-мх-сон

Р. ДАВЛЕТОВ

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 31 майдаги
237-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 22-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги биринчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«22. Бажарилаётган нотариал ҳаракат, шу жумладан нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловларнинг миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Тизим орқали тўлов қвитанциялари нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизим-

га киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг амалга оширилади.».

2. 48-банднинг учинчи хатбошисидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 56-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан) олинган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;».

4. 58-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 68-банднинг еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ипотекага қўйилаётган мол-мулк хусусийлаштирилган турар жой бўлса Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан) олинган турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;».

6. 74-банднинг саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хусусийлаштирилган турар жой ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органлари (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонаси) томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ва уларнинг розилиги;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**425 Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сон «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–421-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ–440-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ–441-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 171-сон буйруғи (рўйхат рақами 2929, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1015-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 апрель,
111-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелда-
ги 111-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча
сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимлари ВСХга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Бунда ВСХ маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимларининг хавфсизлиги таъминланади.»

2. 33-банддаги «тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин» деган сўзлар «ВСХнинг бир кишилик камерасида сақлаб турилиши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 90-банд «ғиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «, уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 152 — 154-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«152. Адвокатнинг ўз ҳимоя остидаги шахс билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган махсус хонада ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади.

Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш жараёнида электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имконияти яратилади. Бунда адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

153. ВСХда сақланаётган шахсларнинг адвокат билан учрашувлари уларнинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда, уларни визуал кўриб туриш имконияти сақлаб қолинадиган шароитларда ўтказилади.

Учрашув жараёнида адвокат томонидан ВСХда сақланаётган шахсларга Қоидаларнинг 2-илласида кўрсатиб ўтилган тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топшириш ҳолатлари аниқланганда учрашув муддатидан олдин тўхтатилади.

Адвокат билан учрашув муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда, ВСХ

маъмурияти томонидан адвокатлик сири ва дахлсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва ушбу адвокатга гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига юборилади.

154. Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлар ВСХ ходимларининг назорати остида амалга оширилади. Ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлар ва бошқа шахслар томонидан ВСХда сақланаётган шахсларга мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида кўрсатиб ўтилган тақиқланган ашёлар ва озик-овқат маҳсулотларини топширишга уринилган ҳолларда учрашув муддатидан олдин тўхтатилади. Учрашувга келган шахс бу ҳақда учрашув бошланишидан олдин ВСХнинг масъул ходимлари томонидан огоҳлантирилиши шарт.»

5. 176-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«176. Суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки ВСХларни текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган ариза, таклиф ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай муҳрланган тарзда олувчиларга юборилади ёки топширилади, телеграммалар эса дарҳол юборилади.»

6. 187-банддаги «қўриқлаб бориш хизмати» деган сўзлар «конвой бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 226-банд «прокурор ёхуд суднинг қарори» деган сўзлар «прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 2-илованинг 5-банди «гиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 21 апрель

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2019 йил 21 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 22 апрель

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 22 апрель

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 22 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

426 **Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш
ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар-
нинг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон буйруғи (рўйхат рақами 3073, 2018 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.10.2018 й., 10/18/3073/1977-сон) билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 апрель,
112-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил
26 апрелдаги 112-сон буйруғига
ИЛОВА

**Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва
сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг
ички тартиб қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 75-банд «ғиёхвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «, уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 135 — 137-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«135. Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш жараёнида электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имконияти яратилади. Бунда адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Ҳимоячилар (адвокатнинг ҳимоячи сифатида иштирок этиши бундан мустасно), қонуний вакиллар, қариндошлар ва бошқа шахсларга учрашувлар берилганда, уларнинг ёнида алоқа воситалари, шахсий компьютер, фотоаппарат, видеокамера ва овоз ёзиш қурилмаларининг бўлиши тақиқланади.

136. Учрашув жараёнида адвокат томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларга Қоидаларнинг 3-иловасида кўрсатиб ўтилган тақиқланган ашёлар ва озик-овқат маҳсулотларини топшириш ҳолатлари аниқланганда учрашув муддатидан олдин тўхтатилади.

Адвокат билан учрашув муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда, махсус қабулхона маъмурияси томонидан адвокатлик сири ва дахлсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва ушбу адвокатга гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига юборилади.

137. Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлар махсус қабулхона ходимларининг назорати остида амалга оширилади. Ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлар ва бошқа шахслар томонидан маъмурий қамоққа олин-

ган шахсларга мазкур Қоидаларнинг 3-иловасида кўрсатиб ўтилган тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топширишга уринилган ҳолларда учрашув муддатидан олдин тўхтатиб қўйилади. Учрашувга келган шахс бу ҳақда учрашув бошланишидан олдин махсус қабулхонанинг масъул ходимлари томонидан огоҳлантирилиши шарт.».

3. 3-илованинг 5-банди «ғиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 25 апрель

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2019 йил 25 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 25 апрель

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 25 апрель

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 25 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 25 майдан 31 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 53, 2019-29-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2019 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-2.

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 8 майдаги 196-мх-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3162.

3. Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 2, 21-2019-қ/қ, 66-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-6.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 майдаги 234-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чикариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 546-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 64, 12, 2019-34-сон «Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924-1.

6. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 майдаги 237-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-2.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 111-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-1.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 112-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Пензионерларни иш қидирувчи сифатида рўйхатга олиш, улар билан меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинганда моддий мадад бериш кафолатлари ва пенсия тўлашга доир тушунтириш (рўйхат рақами 546, 1998 йил 23 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 майдаги 234-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.